

---

## Марғилон шаҳрида “Атлас байрами” дастури доирасида "Анъанавий ҳунармандчилик, этно дизайн ва тадбиркорлик бўйича Марказий Осиё тренинги бошланди

Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида "Атлас байрами" дастури доирасида "Анъанавий ҳунармандчилик, этно дизайн ва тадбиркорлик бўйича Марказий Осиё тренинги ўтказилмоқда.

Тренинг машғулотларида Марказий Осиёнинг бешта давлати: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистондан 40 нафарга яқин иштирокчилар бир ҳафталик тренингда иштирок этишади.

Ушбу иштирокчиларга таниқли миллий ва халқаро экспертлар, магистрлар ва дизайнерлар раҳбарлик қилдилар, улар бу борада ўзларининг катта билим ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

ЮНЕСКО номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, маданий ва ижодий индустрияни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳунармандлар ва халқ рассомлари “Ҳунарманд” уюшмаси билан яқин ҳамкорликда Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Марғилон ҳунармандчиликини ривожлантириш маркази кўмагида ташкил этилган ушбу семинар жорий йилнинг 12-18-сентябр кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Тренинг мақсади Марказий Осиёда номоддий маданий меросни асраш ва тарғиб қилиш, айти пайтда ижодкорликни ривожлантириш ва анъанавий ҳунармандчилик сифатини оширишдан иборат.

Тренинглари давомида анъанавий ҳунармандчиликнинг тарихий ривожланиши ва замонавий йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиб, иштирокчиларга назарий ва амалий билимлар берилиши кутилмоқда.

Асосий мавзулар орасида анъанавий каштачилик, этномода дизайни, кигиз тўқиш кабилар мавжуд. Тренингни яқиний мақсади барқарор даромад олиш ва иш ўринларини яратиш орқали маҳаллий ҳамжамиятларнинг, айниқса, аёллар ва ёшларнинг турмуш даражасини оширишдан иборат.

2024-09-12 11:43:08